

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ



ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА
СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ
ИШТИРОКИ

ИЛМИЙ-ОММАБОП
РИСОЛАЛАР СЕРИЯСИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЙОРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

И.Р. БЕКОВ, Ж.Н. БОКИЕВ

**ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА
СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ
ИШТИРОКИ**

(оммабоп рисола)

Тошкент – 2021

УЎК: 342.843.17(041)(575.1)

КБК: 66.63(5Ўзб)

Б 49

Тошкент давлат юридик университети Илмий-услубий Кенгашининг 2021 йил 30 июндаги 6-сон мажлис баённомаси билан нашргатавсия этилган.

И.Р. Беков

Президент сайловида сиёсий партияларнинг иштироки [Матн] / И.Р. Беков, Ж.Н. Бокиев. – Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2021. – 23 б.

Фуқароларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириш учун сайлов конунчилигимиз, унга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, уларнинг мазмуни, шунингдек, сайлов жараёнида энг фаол субъект хисобланмиш сиёсий партиялар ва уларнинг сайловлардаги иштирокига оид масалаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу рисола китобхонларнинг кенг доирасига мўлжалланган бўлиб, унда сиёсий партиялар фаолиятининг ҳукукий асослари, уларнинг сайловлардаги иштироки ва молиявий таъминотига оид масалалар ёритилган.

ISBN: 978-9943-7399-3-2

**© И.Р. Беков, Ж.Н. Бокиев, 2021 й.
© Тошкент давлат юридик университети, 2021 й.**

КИРИШ

Ҳозирги инновацион ривожланиш босқичида устувор вазифалардан бири – мамлакат сиёсий тизимини давр талабларига мутаносиб тарзда модернизация қилишдир. Ушбу муҳим вазифага Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида юқори даражада эътибор қаратилгани бежиз эмас. Мазкур хужжатнинг дастлабки йўналиши “Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш” деб номланган. Унда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлиснинг, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш; сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат мухитини шакллантириш кун тартибидаги долзарб масалалар этиб белгиланган.

Давлатимиз раҳбари ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “сиёсий партияларнинг ўз сайловчилари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, партияларнинг сиёсий фаоллигини ошириш олдимиизда турган муҳим масалалардан бири”¹ эканини таъкидлади.

Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкинки, мамлакатимиз сиёсий ҳаётини янгилаш борасида танланган тараққиёт йўли ва ривожланиш тамоиллари ҳаётда ўзини оқламоқда.

Жорий йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўладиган сайловлар жамиятимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа бўлиб, у сиёсий партияларимиздан сайловолди тайёргарликни ва ўз сайловчиларини дастурлари билан таништириш ҳамда сиёсий майдонда соғлом рақобатни талаб этади.

Фуқароларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириш учун сайлов қонунчилиги ва унга киритилган ўзгартиш ҳамда кўшимчалар, уларнинг мазмуни, шунингдек, сайловлар жараёнида энг фаол субъект, яъни сиёсий партиялар ва уларнинг сайловлардаги иштироки, бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибасига оид маълумотлар сайловчиларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / 24.01.2020. Манба: <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

I. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛарнинг тарихи ва улар ҳақида маълумот

Жамиятнинг сиёсий тизими ижтимоий-сиёсий тусдаги муносабатларда қатнашувчи ташкилотлардан иборат. Сиёсий тизимнинг ажралмас таркибий қисми ва унинг асосий бўғинларидан бири эса сиёсий партиялардир.



Партия – (лотинча “*partio*” – “бўла-ман”, “ажратаман”) ғоявий жиҳатдан маслакдош, манфаатлари муштарак бўлган, шунингдек, муайян ишни бажариш мақсадида тузилган кишилар гурӯҳидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 5 та сиёсий партия қонунда белги-ланган тартибда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият юритиб келмоқда. Улар:



Ижтимоий давлат ғоясига асосланган **Ўзбекистон Халқ демократик партияси** (Ўзбекистон ХДП) мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида шаклланган дастлабки партиялардан бири ҳисобланади.

Партия 1991 йил 1 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис қурултойида тузилган. **Партияниң мақсади**: – давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий қўллаб-куvvatлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Партия сиёсий кучларининг сўл қаноти ҳисобланади.



Ўзбекистон ХДПнинг расмий нашри “Ўзбекистон овози”, “Голос Узбекистана” газеталари ҳисобланади.

Бош сайловолди шиори: “Халқимиз фаровонлигига эришиш – Ватанимиз гуллаб яшнашининг гарови”. Бугунги кунда партияниң 519000 нафардан ортиқ азоси бўлиб, 10208 та бошлангич партия ташкилоти фаолият юритмоқда.



Парламент қуий палатасига ўтказилган сўнгги сайлов натижаларига кўра, 22 та сайлов округида ушбу партия номзодлари галаба қозонган.

2. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси. Мазкур партия мустақилликнинг дастлабки йилларида ташкил топган партиялардан биридир. У 1995 йил 18 февралда Тошкентда бўлиб ўтган биринчи таъсис Курултойида тузилган. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг асосий мақсади: ҳукукий демократик давлат, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган кучли адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда Ўзбекистон худудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, бирдамлиги, конституциявий ҳуқук ва эркинликлари таъминланган маънавий жисплашган жамиятни тараққий топтиришида фаол иштирок этишdir.

Партия 1995 йил 22 февралдан бошлиб нашр этилаётган «Adolat» номли ижтимоий-сиёсий ҳафталик газетасига эга. Партияning мағкурасини социал-демократия гоялари ташкил этади.

Партия аъзоларининг сони **495000** нафардан ортиқни, шунингдек, бошлангич партия ташкилотларининг сони **6275** тани ташкил қиласди.



Парламентга ўtkazilgan сўнгги сайлов натижаларига кўра, **24** та сайлов округида ушбу партия номзодлари ғалаба қозонган.

3. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси. Ушбу партия 1995 йил 3 июнда биринчи таъсис Курултойида тузилган.

Партияning асосий мақсадлари:

барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, миллий манфаатларни ҳимоя килиш ва илгари суриш, маънавий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналар, бой тарихий меросни саклаш ва бойитиш, мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга ҳисса қўшиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларида миллий ўзликни англаш ҳиссини ошириш, миллий ғуур, Ватанга садоқат ва муҳаббат туйгусини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратиш.

Партияning марказий нашри – “Milliy tiklanish” газетаси ҳисобланади.



MILLIY TIKLANISH
ДИМОКРАТИЧЕСКАЯ ПАРТИЯ

Партия аъзоларининг сони **343 000** нафардан ортиқни, шунингдек, бошланғич партия ташкилотларининг сони **6 916** тани ташкил этади.

Парламент күйи палатасига ўтказилган сұнгги сайлов натижаларига күра, **36** та сайлов округида партия номзодлари ғалаба қозонган.

4. Тадбиркорлар ва ишбилиармөнлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.



**Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
(ЎзЛиДеп) 2003 йил 15 науябрда таъсис этилган.**

Партияning расмий нашри – **"XXI аср"** газетаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг **асосий мақсади** – сиёсий куч сифатида бирлашган ҳолда тадбиркорлар, ишбилиармөнлар ва фермерларнинг янада кенгрөқ фаолият юритишлари учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш, жамиятнинг мазкур қатлами манфаатларини ҳимоялаш ва эртанги кунини таъминлаш. Шу ижтимоий тоифа номидан Ўзбекистоннинг сиёсий саҳнасига чиқиш ва ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш.

Бугунги кунда партия аъзоларининг сони **1 000 000** нафардан ортиқни, шунингдек, бошланғич партия ташкилотлари **13 352** тани ташкил этади.

Парламентга ўтказилган сұнгги сайлов натижаларига күра, **53** та сайлов округида партия номзодлари ғалаба қозонган.



5. Ўзбекистон Экологик партияси 2019 йил 8 январь куни таъсис этилган.



Партиянинг асосий мақсади – мамлакатнинг барқарор ривожланишига, экологик хавфсизлигига эришиш, ҳозирги ва келажак авлод учун қулай атроф муҳитни яратиш ҳамда табиий ресурсларни сақлашга йўналтирилган давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни таъминлаш; Атроф-муҳитни муҳофаза килиш ва табиий ресурсларни сақлаш давлат, жамият ва мамлакат ҳар бир фуқаросининг вазифаси бўлишига эришишига кўмаклашиш.

Партиянинг расмий нашри «Оила ва табиат» газетаси хисобланади.

Парламент қуйи палатаси сайловларида биринчи марта иштирок этишига қарамасдан, “Биз келажак авлод учун жавобгармиз” деган шиор билан ушбу партия **15** та депутатлик ўрнини эгаллади. Бугунги кунда партия Ўзбекистоннинг турли нукталаридағи **430 000 нафардан** ортиқ аъзосига ва **3 910** та бошланғич партия ташкилотига эга.

II. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Сиёсий партия нима?

Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасида сиёсий партияга қуидаги таъриф берилган.

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилевчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.

Сиёсий партиялар фаолиятининг хукуқий асосларини қўйидаги норматив-хукуқий ҳужжатлар ташкил этади:



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг *10 та* моддасида сиёсий партиялар фаолиятига доир нормалар акс этган. Хусусан, *34-моддасида* Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уошмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш хукуқига эгаликлари, сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг хукуклари, эркинликлари ва қадрқимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият қўрсатиш принциплари қўйидагилардир:



Фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ифодалашнинг бир кўриниши ҳисобланган сиёсий партиялар қандай тартибда тузилади?

Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуни 6-моддасига мувофиқ, сиёсий партия тузиш кўйидаги асосий бешта босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич. Сиёсий партияни тузиш учун камида саккизта худудий субъектда (вилоятда), шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшайдган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида **йигирма минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади**.

Иккинчи босқич. Сиёсий партия тузиш ташаббус-корлари камида эзлил қишидан иборат бўлиши, улар партия таъсис хужжатларини тайёрлаш, аъзолар таркибини шакллантириш ҳамда таъсис съездиде ёки конференциясини чакириш бўйича ташкилий қўмитани тузишлари лозим.

Учинчни босқич. Ташкилий қўмита ўзи тузилган кундан бошлаб **етти кунлик** мурдатдан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси



Адлия вазир-лигига ўз ташаббуси, кўмитанинг таркиби, раҳбари (етакчиси), жойлашган манзили ҳамда таъсис съезди ёки  конференцияси чақирила-диган санани ёзма равишда хабар қилиши лозим. Тузилган ташкилий кўмита тузилган кундан бошлаб, узоги билан уч ой фаолият кўрса-тиш ҳуқуқига эгадир.



Тўртингчи босқич. Сиёсий партия таъсис съездидаги ёки конференциясида тузилади ва унда партия устави ҳамда дастурини қабул қиласиди. Унинг сайтаб қўйиладиган органлари тузилади.

Бешинчи босқич. Сиёсий партия Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилади. Рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза у тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичидаги кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш натижаларига биноан сиёсий партияни рўйхатга олиш ёки рўйхатга олишни рад этиш тўғрисида карор қабул қилинади. Карор қабул қилингач, узоги билан уч кун муддат ичидаги у сиёсий партия раҳбар организациясида ёки почта орқали жўнатилади.

Сиёсий партия рўйхатдан ўтган кундан эътиборан юридик шахс мақомини олади ва у ўз фаолиятини амалга ошири-ши мумкин.

Сиёсий партия рўйхатга олинганилиги тўғри-сидаги хабар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Сиёсий партиялар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб ва бу ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинганидан кейин қонунда кўрсатилган ҳуқуқларга ҳамда мажбуриятларга эга бўлади.



Қўйидаги шахслар сиёсий партияларга аъзо бўлиши мумкин эмас.




Куйида сиёсий партиялар фаолияти қандай тартибда молиялаштирилиши ҳақида сўз юритилади.

Сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “**Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида**”ги қонуни билан тартибга солинади.

Ушбу қонунга кўра сиёсий партияларни молиялаштириш манбалари қуидагилардан иборат:

- ✓ кириш ва аъзолик бадаллари, агар сиёсий партияning уставида бундай бадаллар тўлаш назарда тутилган бўлса;
- ✓ қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан ушбу Қонунга мувофиқ ажратиладиган маблағлар;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фукаролари томонидан қонунга мувофиқ бериладиган хайрия ёрдами.

Кўриниб турибдики, қонунга мувофиқ, сиёсий партиялар фаолияти давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳам молиялаштирилади. Хўш, давлат бюджети маблағлари сиёсий партияларнинг қандай фаолияти учун ажратилади?



Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблагларининг йиллик ҳажми шу маблагларни ажратиш мўлжалланаётган йилдан олдинги йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган базавий ҳисоблаш микдорининг икки фоизини Қонунчилик палатасига ўтказилган охирги сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар сонига қўпайтмаси микдорида шакллантирилади.

Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини ҳар иили молиялаштиришга мўлжалланган давлат маблаглари суммаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан улар ўртасида сиёсий партияларнинг ҳар бири томонидан Қонунчилик палатасида олинган депутатлар ўрни сонига мутаносиб тарзда тақсимланади.

Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш белгиланган тартибда фақат ана шу мақсадлар учун ажратиладиган давлат маблаглари ҳисобидан амалга оширилади. Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблагларининг бир номзод ҳисобига тўгри келадиган микдори Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблаглари шу партиядан кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинганидан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партияларнинг ҳисоб-китоб варагига белгиланган тартибда ўтказилади.

Сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган маблаглар сиёсий партия томонидан:

➤ ташвиқот олиб боришга;

➤ номзодларнинг ишончли вакиллари ва ташвиқот ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга;

➤ сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тағбیرларга сарфланиши керак.



БУ ЖУДА МУҲИМ!

EXХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИХБ) 2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтган парламент сайловларини кузатиш якунлари бўйича тавсиялари асосида 2021 йил 8 февралдаги ЎҚР-670-сон қонун билан “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонунга Ҳисоб палатаси томонидан сиёсий партияларнинг молиявий фаолиятини текшириш натижалари оммавий ахборот восита-ларида эълои қилиниши, шунингдек, сиёсий партия ажратилган давлат маблағлари юзасидан сайлов кунида оралиқ ҳисоботни, сайлов натижаларидан кейин эса якуний ҳисоботни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиши бўйича қўшимчалар киритилди.

Агар Қонунчилик палатасига сайлов якунлари бўйича сиёсий партия фракция тузиш учун зарур микдорда депутатлик ўринларини ололмаган бўл-са, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари мазкур партиянинг бошқа манбалардан олган маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига қайтарилиши керак.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолиятини ташкилий, техникавий жиҳатдан ва бошқа тарзда таъминлаш учун ажратиладиган давлат маблағлари Қонунчилик палатасининг харажатлар сметасида назарда тутилиши орқали молиялаштирилади.

Ушбу молиялаштирилган маблағлар қандай ҳисобга олинади?

Ўзбекистон Республикаси “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, сиёсий партиялар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда молиявий ҳамда бухгалтерия ҳисобдорлигини амалга оширади.

Молиялаштиришга йұналтирилған маблағтар қандай ҳисобға олинади?



Слесий партия ҳар йили конунчиларда белгиланган муддатларда ҳамда тартибда молия органларига давлат солик хизмати органларига Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси за Адмия вазирлигига хисоб-даврида олинган ҳамда сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисидамолисизий хисобот таҳдим этиши шарт.

Сиесий партия сайловда жиширок этишини молиглаштириш учун ўзига акратилгач давлат мебаллелари юзасидан сайлов күннөдө оралык хисобатны, сайлов натижалары зылсан қылғанғандан кейин эса яңуний хисобатни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясы токтам этади.

Сиёсий партиянынг мөлдөвийн хисбөттөд:

- Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва фуқароларидан хайрия ёдами пул маблағларидан бошқа шаклда олингандан тақдирда,

Эътибор қаратинг!

Сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш тўғрисидаги ҳисобот шакли ва уни тақдим этиши муддати Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

ІІІ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

 Ривожланган демократик давлатларда демократия-нинг бевосита шакли билан бирга вакиллик демократияси амалиётда ўз самарасини бериб келмоқда. Вакиллик демократия-сининг энг муҳим хусусияти бу фуқароларнинг ўз давлат бошлигини демократик сайловлар орқали сайлашидир.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Сайлов кодекси ва “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуни сайлов жараёнининг асосий иштирокчиси сифатида сиёсий партияларга кенг имкониятлар беради.

Маълумки, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, жорий йилнинг 24 октябрь куни мамлакатимизда улкан сиёсий воқеа, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловлар бўлиб ўтади.

Ёдда сақлан!

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 117-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов унинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўtkазилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш сайлов давридаги энг муҳим жараёнлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳукуқига кимлар эга?

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш факат сиёсий партиялар томонидан амалга оширилади.



Ўзбекистон Республикасининг **Сайлов кодекси**

62-моддасига кўра, сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган қундан камида тўргт ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия



вазирилиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партиялар томонидан қандай хужжатлар тақдим этилиши лозим?

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия **сайловга камида етмиш кун қолганида** Марказий сайлов комиссиясига қуидагиларни тақдим этиши керак:

**Сайлов кодекси
бз- модда**

Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайловида иштирок
етиш учун сиёсий партиялар
томонидан тақдим этиладиган
хужжатлар

- 1 Сайлода иштирок этиш түргисида партия раҳбари томонидан имзолинган ариза
- 2 Аддия вазирлигининг сиёситга гаётин руҳиҳутта олинганинглиги түргисидаги маълумотларни узичига олган маълумотнома
- 3 Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлакан номзод түргисидаги маълумотлар

Ушбу хужжатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилиб олинганидан кейин сиёсий партиянинг ваколатли вакилига хужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вакт кўрсатилган маълумотнома беради. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган хужжатлар асосида партиянинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида беш кунлик муддат ичida узил-кесил қабул қиласи ҳамда сиёсий партиянинг ваколатли вакилига рўйхатга олинганилик

гувоҳномасини ва куйидаги намунадаги имзо ва рақаларининг
бланкаларини беради.

Следів підтверджені даними

Ўзбекистон Республикаси Президентинига юрматилингаш вомандон құлдай-күннегендеги заманындағы
ИМДІ ВАРАКАСИ

Любимые места жительства российских куликовиков тоже отличаются заря. Европейские птицы чаще
отдают предпочтение Европе и Азии.

Биз, күнде күзө түйримиз, 124
күрсегиз ан Узбекистон Республикаси Президентинин кемиси
иц қылаб-суннатийи

№	Самоінформація фундаментальних підходів до проблеми	Умови розв'язання (заручені відповідно вимогам проблеми)	Методичні засади	Пасив: серія за реальні	Пасив: якщо не відповідає
1					
2					
3					
4					
5					
6					
7					
8					
9					
10					
11					
12					
13					
14					
15					
16					
17					
18					
19					
20					
21					
22					
23					
24					
25					
26					
27					
28					
29					
30					
31					
32					
33					
34					
35					
36					
37					
38					
39					
40					
41					
42					
43					
44					
45					
46					
47					
48					
49					
50					
51					
52					
53					
54					
55					
56					
57					
58					
59					
60					
61					
62					
63					
64					
65					
66					
67					
68					
69					
70					
71					
72					
73					
74					
75					
76					
77					
78					
79					
80					
81					
82					
83					
84					
85					
86					
87					
88					
89					
90					
91					
92					
93					
94					
95					
96					
97					
98					
99					
100					

СЕВЕРНОЕ ПОДЪЕМНОЕ УСТРОЙСТВО $\Phi - H$ ОБРАЗОВАНО МНОГИМИ ПОДЪЕМНЫМИ УСТРОЙСТВАМИ.

Изменение тенденций

(*Wieder aufgenommen und bearbeitet aus dem ersten Bande der Zeitschrift für Naturforschung*, Bd. 19)

MS.



БУ ЖУДА МУҲИМ!

EXХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИХБ) 2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтган парламент сайловларини кузатиш якунлари бўйича тавсиялари асосида МСКнинг 2021 йил 14 апрелдаги 1067-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-кувватловчи имзоларни тўплаш ва имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш тартиби тўғрисида”ги низомда имзо варақаларини тўғри тўлдирилганлигини аниқлаш тартиби ва имзо варақаларини ҳақиқий эмас деб топиш асослари белгилаб берилди.

Сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризаларнинг келиб тушиши навбати тартибida марказий матбуотда эълон қилинади.

65 Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш қандай тартибда амалга оширилади?

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди.

Сиёсий партияянинг юқори органи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига битта номзод кўрсатиши мумкин. Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат ўз партияси аъзолари орасидан ёки партиясизлардан номзод этиб кўрсатишга ваколат-лиdir. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатилганлиги тўғрисида баённома тузилади.

Сиёсий партияянинг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

- ✓ сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори;
- ✓ сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига

номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияйишлиги кўрсатилади;

✓ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

✓ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-кувватловчи имзо варақалари.

Сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақаларида Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилари умумий сонининг камидা бир фоизининг имзоси бўлиши керак. Бунда сиёсий партия битта маъмурӣ-худудий тузилмада (**Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри**) имзолар умумий сонининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

Хужжатларни тақдим этган шахсга Марказий сайлов комиссияси хужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган хужжатларни **беш кунлик муддат ичida текшириб чиқади ва уларнинг Сайлов кодекси талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.**

Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган хужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва конунчиллик талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг раҳбарларига маълум қиласи. Сиёсий партия хужжатлардаги аниқланган номувофиқликлар ва хатоларни **икки кунлик муддатда тузатишга ҳамда уларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этишга ҳақли.**

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун хужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугалланишига **етти кун қолганида якунлади.**

Сиёсий партиялар сайловларда ўзининг кузатувчилари ҳамда ваколатли вакиллари билан фаол иштирок этади.

Конунчилликда ваколатли вакил ҳамда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сайловлардаги иштироки тўғрисидаги нормалар ўрнатилган. Яъни Марказий сайлов комиссиясининг “Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ҳамда “Сиёсий партияниң ваколатли вакили тўғрисидаги низомни



тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан низомлар тасдиқланған. Мазкур низомларга күра, **кузатувчи** – сайловға тайёр гарлар күриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов



участкасида сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёларида сайлов қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширувчи шахсдир.

Сиёсий партия аъзоси ёки тарафдори ёхуд сиёсий партияяга хайриҳоҳ бўлган ҳар қандай Ўзбекистон

Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқароси сиёсий партиядан кузатувчи бўлиши мумкин. Улар ўз кузатувчилари тўгрисида сайлов комиссияларига сайловдан камида ўн кун олдин ариза билан маълум қиласди. Шунингдек, сиёсий партия ушбу шахслар орасидан сайлов комиссиясининг мажлислиарида, ҳужжатларни топширишида, имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишида, сайлов участкасида овозларни синаб чиқишида иштирок этиши учун **ваколатли вакил** тайинлашга ҳақли. Сиёсий партия юкори органининг раҳбари сайлов кампанияси бошланганлиги расман эълон қилинган кундан бошлаб беш кунлик муддатда ўз ваколатли вакилини тайинлади ҳамда уни рўйхатдан ўтказиш учун Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатларни тақдим этади. Марказий сайлов комиссияси сиёсий партия томонидан тавсия этилган ваколатли вакил номзодига тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиб, уч кунлик муддатда уни рўйхатга олади ва куйидаги намунадаги гувоҳнома (мандат) беради.



5

ВАКОНАТ. III ВАКУЛТ ГУВОДНОМУ № <hr/> <div style="text-align: center; margin-top: 10px;">  (Фамилия) </div>

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, сиёсий партия томонидан берилган ҳужжатни ва тегишли

сайлов комиссиясининг гувоҳномаси (мандати)ни ўз ёнида олиб юриши шарт.

Сиёсий партиянинг кузатувчиси ҳамда ваколатли вакили участка сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан қонунда белгиланган тартибда шу сайлов комиссиясига ёки юқори сайлов комиссиясига ёхуд судга шикоят қилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, барча ривожланган давлатлар сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам, сиёсий партияларнинг эркин фаолият юритишлари, сайловларни демократик тарзда ўтказиш учун барча хукукий асослар мавжуд. Қолган барча ҳаракатлар сиёсий партиялар фаоллигига боғлиқ.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I. Сиёсий партияларнинг тарихи ва улар ҳақида маълумот	4
II. Сиёсий партиялар фаолиятининг хуқуқий асослари	7
III. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сиёсий партияларнинг иштироқи.....	15

**И.Р. Беков
Ж.Н. Бокиев**

**ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ
ИШТИРОКИ
(Оммабоп рисола)**

Масъул мұхаррир: Ҳ. Салоева

Мұхаррир: Ш. Жақонов

Техник мұхаррир: У. Санаев

Компьютерда саҳифаловчи: Д.Ражапов

Босишига рухсат этилди: 25.06.2021.
Хажми: 2 б.т. Адади: 40. Буюртма: № 9.

Тошкент давлат юридик университети
Типография бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.

ИЛМИЙ-ОММАБОП РИСОЛАЛАР МАХСУС СЕРИЯСИ:

- 1) Президент сайловининг ўзига хос хусусиятлари;
- 2) Президентликка номзодларнинг ҳуқуқий мақоми;
- 3) Президент сайловида сиёсий партияларнинг иштироки;
- 4) Сайловолди ташвиқоти;
- 5) Сайловда овоз бериш тартиби;
- 6) Сайловларда очиқлик ва ошкоралик;
- 7) Сайловчиларнинг рўйхатини тузиш тартиби;
- 8) Сайлов ҳуқуқларига оид шикоятларни кўриб чиқиш;
- 9) Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик;
- 10) Халқаро сайлов стандартлари;
- 11) Кузатувчиларнинг ҳуқуқий мақоми;
- 12) Марказий сайлов комиссиясининг мақоми;
- 13) Округ сайлов комиссияларининг мақоми;
- 14) Участка сайлов комиссияларининг мақоми.

ИЛОВАНИ ЮКЛАБ ОЛИШ:

